Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2016-yil, 7-yanvar. Payshanba • 3 (32.062) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Бир эслайлик. 2003 йилда электрон рақамли қонуний имзо жорий қилинган эди. Кейинчалик ҳужжатларнинг электрон шаклда айланиши ҳам юзага келди ва давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг иш фаолиятида бу жуда асқотди. Шу тариқа 150 дан ортиқ орган ва муассасалар уланган ягона ҳимояланган электрон почта яратилди.

## ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ

### қандай хизмат кўрсатади?

Айтиш керакки, бу мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишдаги муҳим қадамлар эди...

*Бугунги кунга келиб электрон давлат хизматларини тақдим этиш доирасида давлат органларининг ўзаро, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлигини таъминловчи ягона технологик инфратузилмани шакллантиришга доир ишлар кўлами кенгайди. Идоралараро ахборот тизимлари, электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ва ахборот ресурсларини жорий қилиш мақсадида электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатлар қонун билан мустаҳкамланди.*

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу турли маъмурий тартиб-таомилларни янада енгиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий асос яратди.

Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ўтган йили 18 ноябрда қабул қилинди. Сенат томонидан эса 3 декабрда маъқулланди. Қонун 2015 йилнинг 9 декабрь куни Президентимиз томонидан имзоланди. Мазкур қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач, кучга киради.

► Давоми 2-бетда.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

# БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИ

**Бу масканга одамлар «Меҳр кошонаси» деб таъриф бермоқда**

...Қадим ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрига кириб бораверишда, йўлнинг чап томонида бири-биридан чиройли икки қаватли уйлар кўзга ташланади. Бинолар ёнида спорт зали, майдончалари, бассейн, ахборот-ресурс маркази... бутун бир шаҳарчани ташкил этади...



4

## САВОЛ ВА ЖАВОБ

*— Анчадан бери сиёсий партияга аъзо бўлиш ҳақида ўйлаб юраман. Шунинг учун уларнинг фаолиятини кузатиб бората ман. Мени бир савол қизиқтиряпти. Қонунчилигимизда сиёсий партиялар фаолияти қандай кафолатланган?*

**Шаҳодат АБДУРАҲМОНОВА,**
**Андижон қишлоқ хўжалик институти талабаси.**



*Собитхон ТУРҒУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Албатта, ҳар бир фаолият тури учун қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланган. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда сиёсий партиялар фаолиятининг кафолатлари қайд этилган.

Унга кўра, давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди. Уставда белгиланган ўз мақсад вазифаларини бажариши учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхона-муассасалар, ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг сиёсий партиялар ички ишларига аралашиши тақиқланади.

Сиёсий партиялар ташкилотларининг тадбирлари асосан, улар аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партиялар маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий иш берувчилар ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиялар аппарати ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ

## Сайловчини ўйлантираётган масала

### ўз вақтида ҳал қилиниши зарур

Депутат аҳоли томонидан давлат ҳокимиятининг олий, маҳаллий вакиллик органларига сайланган ишончли вакилдир. Шу боис ундан аҳолини ўйлантираётган масалаларни ечишда фаоллик кўрсатиш, одамлар манфаати йўлида мунтазам изланиш, елиб-югуриш талаб этилади. Бу борада унга катта ҳуқуқ ва ваколат берилган. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, у тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларга ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

► Давоми 2-бетда.

**Янгиликлар, Бунёдкорликлар, Хабарлар...**

Жиззах

## Коллеж битирувчилари

### бандлиги юзасидан вилоят ҳокими қабули ўтказилди

***Жиззах вилояти ҳокимлигида 2013-2015 йилларда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар бандлиги масаласида вилоят ҳокимининг қабули ўтказилди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг матбуот хизмати хабар бермоқда.***

Тадбирда коллеж битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. Жиззах вилояти ҳокими Сайфиддин Исмоилов аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталар экан, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш дастури асосида 44090 иш ўрни яратилиши кўзда тутилганини алоҳида таъкидлади.

2014-2015 ўқув йилида вилоятдаги 75 касб-ҳунар коллежини 93 йўналиш, 7 соҳа бўйича жами 18716 нафар ўқувчи битирган. Уларнинг 9279 нафари қизлардир.

Битирувчилар амалиётини ташкил этиш ва ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар тузиш ишлари олиб борилиб, 18572 нафар ёки 99,2 фоиз битирувчи корхона ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларга бириктирилган.

Олиб борилган ишлар натижасида 2015 йили 15102 нафар битирувчининг бандлиги таъминланган.

Қашқадарё

## 2015 йил сарҳисоби

***Қашқадарё вилоят иқтисодиётига 5 триллион сўмга яқин инвестициялар жалб этилди. 2 мингдан ортиқ катта-кичик лойиҳалар амалга оширилди.***

Хусусан, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга барча манбалар ҳисобидан 315,4 миллиард сўм йўналтирилди. Бу ҳақда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

2015 йил Инвестиция дастурига асосан 54 мактаб, 12 касб-ҳунар коллежи, 8 соғлиқни сақлаш муассасаси, 24 спорт иншоотида қурилиш ишлари олиб борилиб, уларнинг барчаси фойдаланишга топширилди.

Қарши ва Шаҳрисабзда 48 кўп қаватли уй қуриб битказилди. Шунингдек, 62 кўп қаватли уй барпо этиш ишлари бошлаб юборилди.

Навоий

## Она ва бола саломатлиги

### асосий масала

***Навоий вилоят туғуруқ мажмуаси 2011 йили Перинатал марказга айлантирилгач, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати сезиларли даражада яхшиланди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлиги расмий сайтида маълумот берилган.***

— Марказнинг даволаш-диагностика салоҳияти ошгани туфайли оғир асоратли ҳомиладорлар Перинатал марказига келтирилиб, тиббий ёрдам кўрсатиш тизими яратилди, — дейди **вилоят Перинатал маркази директори Фарҳод Ғаффоров.** — Натижада кам вазнли чақалоқлар яшаб қолиш даражаси ошди. Марказ 150 ўринга эга бўлиб, реанимация ва чақалоқлар касалликлари бўлимлари янгидан ташкил этилди ҳамда замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

**2016 ЙИЛДА:**

**Толлимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 МЕГАВАТТ бўлган иккита буғ-газ турбинаси,**

**Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 МЕГАВАТТ қувватга эга бўлган энергия блоки қурилади.**

ШАХМАТ

## ЖАҲОНГИР ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

**Жаҳонгир Воҳидов Англияда шахмат бўйича ўтказилган «Tradewise Hastings Masters» халқаро турнирида ғалаба қозонди.**

Халқаро гроссмейстеримиз Жаҳонгир Воҳидов тўққиз турдан иборат мусобақада англиялик Жэк Рудд, сербиялик Жовика Радованович, АҚШ вакили Жастин Саркар, польшалик Александр Миста, венгриялик Мате Баги ва Тамас Фодор устидан ғалаба қозонди, ҳиндистонлик Ви Картик ва германиялик Игорь Хенкин билан дуранг ўйнади.

Халқаро турнирда тўққиз имкониятдан етти очко жамғарган шахматчимиз Ж.Воҳидов биринчи ўринни эгаллади.

**Б.АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**



ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**2015 ЙИЛДА** ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛТИНКЎЛ, МИРЗАЧЎЛ, ЧУСТ, УРГУТ, АНГРЕН, ЎЗБЕКИСТОН, СЎХ ТУМАНЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ, КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ЎРГАНИЛИБ, СЕССИЯЛАР МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛДИ.

«КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ!» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН 581 ТАДБИРДА 34800 ДАН ОРТИҚ АҲОЛИ ҚАМРАБ ОЛИНДИ. 1300 ДАН ОРТИҚ ЯККА-ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ХОНАДОНЛАР ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ОБОДОНЛАШТИРИЛДИ. 2,5 МИНГГА ЯҚИН ҚАРИЯГА СОВҒА-САЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА «МЕН ХДПНИ ТАНЛАДИМ» АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ. АКЦИЯ ДОИРАСИДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВ-МУЛОҚОТ ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. МАЗКУР ТАДБИРЛАРДА 3627 НАФАР ФУҚАРО ПАРТИЯ САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

## ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўтган йилда коммунал тўловлар, ижтимоий соҳа, бандлик масалаларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари 762, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари эса 2926 депутатлик сўрови билан мурожаат этган.

# ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ

egov O`zbekiston elektron hukumati

## қандай хизмат кўрсатади?



### ҚОНУННИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ НИМАДАН ИБОРАТ?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, электрон ҳукуматнинг асосий вазифаларидан бири давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратишдан иборат. Шунингдек, ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш, ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантиришга хизмат қилади.

Шу маънода, қабул қилинган янги ҳуқуқий ҳужжат давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга, аҳолига, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш орқали давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Қонун «электрон ҳукумат» фаолиятини ташкил этишнинг давлат органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралиги, даъво қилувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг фойдаланиши, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби принципларини мустаҳкамлайди.

### ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТИЗИМИДА ҚАНДАЙ ЯНГИ НОРМАЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ?

— Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда «электрон ҳукумат», давлат хизмати, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш, электрон давлат хизмати, электрон давлат хизматининг регламенти, «электрон ҳукумат»нинг ягона идентификаторлари каби тушунчалар қонунчиликка илк бор киритилмоқда ва уларга тегишли таърифлар берилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Нўъмон Акбаров.** — Қонунда электрон ҳукуматнинг асосий принциплари белгиланган. Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши, «бир дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш, давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш ва электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш, шунингдек, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш мазкур принциплар қаторидан жой олган.

Қонун, шу жумладан, «бир дарча» принципи асосида электрон ҳужжат алмашиш имкониятларини кенгайтирмоқда, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқанинг самарали механизмларини яратишни, электрон давлат харидлари тизимини ривожлантиришни назарда тутмоқда. Масалан, қонуннинг 8-моддасига асосан, электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи бундай хизмат кўрсатиш учун бошқа давлат органларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиши талаб этиладиган ҳолларда электрон давлат хизмати кўрсатиш «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилади.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари барча ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

— Қонунда электрон давлат хизматларини кўрсатувчи Вазирлар Маҳкамасининг, марказда ва жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари, функциялари, шунингдек, фуқароларнинг, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари белгилаб берилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Аваз Ўринбоев.** — «Электрон ҳукумат» фаолиятининг тартиби, асосий инфратузилма хусусиятлари белгиланган.

Масалан, Қонунда электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлар қайд этилган. Унга кўра, электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган ва бошқа давлат органлари амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси электрон ҳукуматнинг шакллантирилишини ва ишлашини унинг асосий принципларига мувофиқ таъминлайди, Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини юритиш тартибини, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимининг ишлаш тартибини белгилайди. Бундан ташқари, электрон давлат хизматларини кўрсатишда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи бир неча давлат органи иштирок этадиган бўлса, ўша электрон давлат хизматларининг регламентларини, электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш услубини, шунингдек, электрон ҳукумат лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш ҳам айнан унинг ваколатига киритилган.

### ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ҚАНДАЙ КЎРСАТИЛАДИ?

— Қонунда электрон давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Феруза Эшматова.** — Унга асосан, электрон давлат хизматлари ахборот ва интерактив давлат хизматлари тарзида бўлиши мумкин. Ахборот давлат хизмати ариза берувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган, давлат органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ва бошқача тарзда тарқатиш йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизматидир. Интерактив давлат хизмати эса ариза берувчига ариза берувчи ва электрон давлат хизмати кўрсатувчи давлат органи ўртасида икки томонлама электрон ҳамкорлик йўли билан кўрсатилади.

Интерактив давлат хизматлари қонун ҳужжатлари асосида ва ахборотни тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш, уни узатиш ҳамда алмашиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида ташкил этилиши, электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламенти асосида кўрсатилиши керак. Шунингдек, шахсга доир маълумотларга ишлов беришни назарда тутувчи хизматлардан ариза берувчиларнинг хавфсиз фойдаланишини, сўров юбориш ва электрон давлат хизматининг натижасини олиш имкониятини таъминлаши керак.

Бундан ташқари, ариза берувчининг электрон давлат хизматларини олиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳам белгиланди. У электрон давлат хизматларидан ўз вақтида ва электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламентларига мувофиқ фойдаланиш, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олишга ҳақли.

Электрон давлат хизмати кўрсатилишининг бориши тўғрисида ўзаро ҳамкорликнинг турли шакллари (расмий веб-сайт, телефон, электрон почта, тезкор алоқа ва бошқалар) орқали ахборот олиш, электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Шу билан бирга, электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолашда иштирок этиш, бундай хизматларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши ҳам мумкин.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

## ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЭДИМ...

**Ўзбекистон ХДП ташкилотлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари юртдошларимизнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилиш мақсадида ташкил этилган. Бугун депутатлар, партия фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари одамларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга бош-қош бўляпти. Бу эса фуқароларнинг партияга ишончини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.**

## ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ЁРДАМИДА

— Яқинда қўшним билан гаплашиб қолдим. Унинг айтишига қараганда, коллежни тамомлаган қизи Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилгач, иш жойига эга бўлибди, — дейди **Нурмуҳаммад Абдураимов.** — Шундан сўнг мен ҳам ЎзХДП Иштихон туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига маслаҳат олиш учун бордим. У ерда одам гавжум эди. Аввалига ийманиб, бир четда кузатиб турдим. Ҳамма ҳар хил савол билан мурожаат қилар ва мутасаддилардан тегишли жавоб оларди.

Шунда бир аёл менга мурожаат қилиб, нима мақсадда келганимни сўради. У туман партия кенгаши раиси Лола Булакова эди. Истиҳола билан янги ногиронлик аравачасига эҳтиёжим борлигини айтдим. Керакли маълумотлар ёзиб олингач, депутат Бахтиёр Қўчқоровга вазифа юклатилди. Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси ҳомийлигида талабим қондирилди. Мен бундан жуда ҳам хурсанд бўлдим.

Андижонлик Майрамхон Исмоилова ҳам ЎзХДПдан миннатдор эканини айтди.

— Фарзандимиз икки томонлама кокса артироз бектерив касаллиги билан оғриганди, — деди у. — Кимдан ёрдам сўрашни билмай, бошимиз қотган эди. Маҳаллий телеканал орқали депутатларимиз, партия аъзолари томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида кўрсатув берилди. Чиқмаган жондан умид, деб мен ҳам вилоят партия кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматовнинг олдига бордим. У эса Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилиш орқали масалани ҳал этиш таклифини айтди.

Буни қарангки, мен айнан қабул кунида борибман. Депутатимиз кўмагида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раҳбарига ёзма мурожаат қилдим. Фонд томонидан фарзандимнинг муолажаси учун маблағ ажратилди. Боламни даволатдим. Менга кўмак берганларга раҳмат.

Музрабод туманида истиқомат қилувчи Шаҳбоз Норбоев анчадан бери ўз ишини бошлашни, оиласига, ота-онасига наф келтиришни ният қилиб юрганди. Шунинг учун чорвачилик билан шуғулланиш истагида банкдан кредит олмоқчи бўлди. Унга фақат озгина туртки, кўмак керак эди...

— Кўпдан буён ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонаси ўз ишини очмоқчи бўлаётган ёшларни қўллаб-қувватлаётгани ҳақида эшитиб юрар эдим. Шу боис қабулхонага мурожаат қилсам, ишим осон кечишини тушундим, — дейди у. — Адашмаган эканман. Депутатларимиз бор бўлишсин. Уларнинг ҳуқуқий маслаҳати, ёрдами билан тез орада «Микрокредитбанк» туман бўлими томонидан кредит ажратилди. Унга қорамол сотиб олдим. Насиб бўлса, чорвачиликни янада кенгайтириб, иш ўринлари ташкил қилиш режаларим бор. Ҳа айтганча, иш бошлашимга яқиндан ёрдам берган партияга ишончим ортди. Унга аъзо бўлишни мақсад қилдим.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ

# Сайловчини ўйлантираётган масала

## ўз вақтида ҳал қилиниши зарур

**Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларида Ўзбекистон ХДПдан сайланган 212 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 1652 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда.**

**Депутатлар партиянинг Сайловолди дастури институти муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Ўтган йилда коммунал тўловлар, ижтимоий соҳа, бандлик масалаларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари 762, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари эса 2926 депутатлик сўрови билан мурожаат этган.

> Тошкент вилоятида ЎзХДПдан сайланган депутатлар томонидан 2015 йилда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига жами 474 депутатлик сўрови киритилди.

**...рида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб таклиф ва ташаббуслар билан чиқмоқда. Бу борада депутатлик сўрови...**

...лан мурожаат этган.

Хўш, уларнинг натижалари қандай бўлди? Мутасадди ташкилотлар депутатлик сўровларининг ҳаммасига ўз вақтида жавоб беришдими? Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик сўровлари қай даражада самара бермоқда?

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.



*Сирожиддин Аъзамов,*
*Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:*

— Депутат зиммасида сайловчилар манфаатларини ифода этиш вазифаси туради. Депутат қайсидир масалада мутасадди ташкилотларга сўров юбориш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатиш, аниқланган масалани халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш учун таклиф киритиш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Тўғри, берилган ҳуқуқ ва ваколатлар кенг, лекин улардан самарали фойдаланиш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки бу фақат депутат фаоллиги ёки партия ташкилотининг интилишига боғлиқ эмас. Бунда ижро ҳокимияти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш керак бўлади.

Тошкент вилоятида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар депутатлик сўрови институти имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Ўрни келганда айтиш керакки, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга ошираётган депутатлар ҳам, депутатлик сўровларига ўз вақтида муносабат билдираётган раҳбарлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Масалан, Пскент туман Кенгаши депутати Жўрақул Отақулов томонидан Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Тўмарис кўчасида истиқомат қилаётган аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланишида юзага келаётган муаммо юзасидан депутат сўрови киритилди. Мазкур сўров туман «Сувоқава» ташкилоти мутасаддилари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилди ва қисқа муддатда мазкур масала ижобий ҳал этилди.

Айни кунларда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашида партиямиздан сайланган 16, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 197 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти партиямиз дастурий мақсадлари ҳамда вазифаларини амалга оширишда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишмоқда. 2015 йилда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига жами 474 депутатлик сўрови киритилди. Муҳими, уларнинг аксариятига вақтида жавоб олинди ва 394 депутатлик сўрови юзасидан электорат манфаатларига дахлдор катта-кичик муаммоларни жойларда ҳал этишга эришилди.



*Абдулҳамид Нурматов,*
*Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:*

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг давлат бошқаруви органлари устидан назоратини, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ таклиф, муқобил дастурларни илгари суриш борасидаги фаолиятини кучайтириш бугун олдимизда турган энг асосий вазифалардан биридир. Шу маънода, ҳар бир депутат ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиб бориш, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатиши талаб этилмоқда.

Бугунга келиб халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашида партиямиздан сайланган 161 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан 2015 йил давомида аҳолини ташвишга солаётган масалалар юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 450 депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди.

Масалан, халқ депутатлари Андижон туман Кенгаши депутати Сардор Қосимовнинг «Вилоятэлектртармоқлари» ОАЖ бошқаруви раисига юборган сўрови натижасида «Жевачи» маҳалла фуқаролар йиғинидаги электр трансформатор янгисига алмаштирилди ҳамда ҳудудда электр энергияси таъминотидаги узилишларнинг олди олинди.

15-Зарғалдоқ сайлов округидан сайланган депутат Нодир Арапов томонидан Булоқбоши туман газ корхонаси бўлими раҳбарига юборилган депутатлик сўрови ҳам жавобсиз қолгани йўқ. Натижада туман аҳолисига табиий газ етказиб берилишининг узлуксизлиги таъминланди.

16-Учтепа сайлов округидан сайланган яна бир депутатимиз томонидан Булоқбоши туман ободонлаштириш бўлими раҳбари номига йўлланган сўров қисқа муддатда ўрганилиб, тегишли мутасаддилар томонидан тумандаги «Учтепа» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Шамшод кўчасининг таъмирталаб қисмига асфальт ёткизилди.

*Бундай мисолларни барча ҳудудлардан келтиришимиз мумкин. Депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб берилаётгани маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари, корхона-ташкилотлар мутасаддиларининг масъулияти ортиб бораётганини ҳам англатади.*

**Аброр ҚУРБОНОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири.**



ЎТГАН ЙИЛИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ДОИРАСИДА ЖОЙЛАРДА 3000 ДАН ОРТИҚ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ. УЛАРДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МАСАЛАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ 300 ДАН ОРТИҚ МУАММО АНИҚЛАНИБ, БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛДИ.

# МУНОСАБАТ

■ Халқимиз ҳаётидан рози бўлиб яшасин. Ўз меҳнати, ақлу заковати билан бундан-да, юксак марраларни забт этсин.

## ХАБАРЛАР

**Тошкентдаги Инҳа университетида «Ажойиб математика» фестивали доирасида 9 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун «Дастурлаш соати» ўтказилади. Бу ҳақда университет расмий сайти хабар бермоқда.**

### Болалар учун

**бепул дастурлаш дарси ўтилади**

7-8 январь кунлари болалар Scratch визуал дастурлаш тили бўйича бир марта дарсда бепул иштирок этиши мумкин.

7 январь куни дарс ўзбек тилида, 8 январь куни эса рус тилида ўтказилади.

Дарслар Scratch визуал дастурлаш тили асосида қизиқарли ўйин шаклида ташкиллаштирилади. Унда иштирок этган болалар дастурлаш ва қандай қилиб дастурлар яратиш ҳақида умумий тушунча ҳосил қилади.

### «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси

**телефон алоқа хизматлари учун янги тариф режаларни амалга киритди**

**«Ўзбектелеком» АК абонентлар учун қулайлик яратиш мақсадида, 2016 йил 1 январдан телефон алоқа хизматлари учун янги қўшимча «Шаҳар», «Вилоят» ва «Республика» тариф режаларини амалга киритди. Бу ҳақда ташкилот расмий сайтида маълумот берилган.**

Янги тариф режалари абонентларга белгиланган лимит доирасида шаҳар, вилоят ёки бутун Ўзбекистон бўйлаб чиқиш қўнғироқларидан фойдаланиш имконини беради. Бунда «Ўзбектелеком» АК тармоғи ичидаги лимитга «Ўзбектелеком» АК, «ЎзМобайл» филиали GSM ва CDMA тармоғига чиқиш қўнғироқлари ҳам киради.

«Шаҳар» тарифида бир ойлик абонент тўлови 10 минг, «Вилоят» тарифида 15 минг ва «Республика» тарифида 25 минг сўмни ташкил қилади. Киритилган лимитдан ортиқ ҳар 1 минут сўзлашув шаҳар (туман) бўйича — 9 сўм, вилоят бўйича — 25 сўм, республика бўйича — 65 сўм миқдорида нархланади.

Бундан ташқари, барча тариф режаларига киритилган лимитда Ўзбекистондаги бошқа алоқа операторлари тармоғига чиқиш қўнғироқлари ҳам кўзда тутилган.

Барча янги тариф режаларида кириш қўнғироқлари бепул.

### Ўта ингичка базальт толаси олиш

**усули ихтиро қилинди**

**«Электроизолит» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси бош директори Вадим Шевченко ўта ингичка базальт толаси олиш усулини ихтиро қилди. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.**

Базальт толаси деганда минерал толалар олиш технологияси, хусусан, иссиқлик ўтказувчанлиги паст, товуш изоляцияси юқори маҳсулот тушунилади.

Муаллифга ушбу ихтиро учун № IAP 05129 рақамли патент берилди.








Фаррух АЛИЕВ ва ЎзА олган суратлар.

## ХОСИЯТЛИ ЙИЛЛАРДАН

**рози бўлиб яшайлик**

**Янги йил айёмида кенг, ёруғ, шинам уйда, фарзандларим, невараларим даврасида, тўкин дастурхон атрофида ўтириб, Президентимиз табригини эшитдим. Шунда ўз ҳаётим, ўтмишим кўз олдимга келди...**

Бир умр далада ишладим. Янги ерларни ўзлаштиришда қатнашдим. Зах, қоронғу ертўлаларда, вагон уйларда яшадик. Лампа шиша ёқиб, кун кечирдик. Нари-бери рўзғор тебратдик. Бригадирлик қилдим, ҳосилот бўлдим. Лекин сира бирим икки бўлмади. Рўшнолик кўрмадим.

Бугун-чи? Ҳамма томонда янгиланиш, бунёдкорлик. Кўриб, кўзинг қувнайди.

Биргина Арнасойни олайлик. 2015 йили чекка туманимизда замонавий мусиқа ва санъат мактаби, спорт-соғломлаштириш маркази, кўплаб намунали уй-жой бунёд этилди. Мактаб ва коллежлар, равон кўчалар, сайилгоҳу хиёбонлар, боғ-роғларни айтмайсизми?!

Биз кекса авлод вакилларида солиштириш, таққослаш имконияти бор. Мустабид тузум даврида ўн йиллар давомида бир-икки арзимаган қурилиш қилинарди. Бунинг учун раҳбарлар марказга қатнайвериб, тинка-мадори қуриб кетарди. Бирор нарса олиш учун ҳам рухсат керак эди...

Тез-тез мактаб, коллежларга учрашувга чақиришади. Ёшларга айтадиган биринчи гапим: «Мустақилликнинг қадрига етинглар», дейман.

Мамлакатимиз раҳбарининг табригини тинглаб, ўйга толдим: «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?». Юрт тинч, маҳалла осойишта. Уй-жойдан каму кўстимиз йўқ. Ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиль, замонавий уй-рўзғор буюмлари — ҳамма-ҳаммасидан бор. Ўғлим тадбиркор, қизларим муаллим. Невараларим турли соҳаларда ишлаяпти, ўқияпти. Ҳар тонг уйқудан хотиржам уйғониб, улар билан нонушта қиламан. Дуога қўл очиб, шундай кунларга етказганига шукроналар айтаман. Бирини ишга, бошқасини ўқишга кузатаман. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми?!

Президентимизнинг Янги йил табригида йилларимизнинг тинч, осойишта, хосиятли ўтаётгани алоҳида таъкидланди. Бундай йилларимиз кўп бўлсин. Халқимиз ҳаётидан рози бўлиб яшасин. Ўз меҳнати, ақлу заковати билан бундан-да, юксак марраларни забт этсин.

**Бекпўлат ЭШПЎЛАТОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Арнасой туман бўлими раиси,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби,**
**ЎзХДП фаоли.**

**Юртбошимизнинг Янги йил табригини тинглаб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётган, ҳурмат-эъзозда яшаётган инсон сифатида барча юртдошларим қатори мен ҳам ич-ичимдан қувондим.**

## Тинчлик — улуғ неъмат

Табрикда айтилганидек, бугунги дунёда тинчликка бўлаётган таҳдидлар тобора ортиб бормоқда. Терроризм ва экстремизм балоси бутун инсониятни ларзага солмоқда. Бундан хулоса чиқарган ҳолда Ватанимиз тинчлигини асрашимиз, янада тотув бўлишимиз лозим. Негаки, жамият тараққиётининг бир устуни тинчлик бўлса, яна бир устуни ўзаро ҳамжиҳатликдир.

**Жамият тараққиётининг бир устуни тинчлик бўлса, яна бир устуни ўзаро ҳамжиҳатликдир.**

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсийислоҳотлар замирида ҳам, аввало, одамларимиз турмуши фаровонлигини ошириш, соғлиғини сақлаш, юртимиз тинчлигини мустаҳкамлашдек, муҳим тамойиллар мужассамдир.

Тинчлик — улуғ неъмат! Биз унинг қадр-қимматини жуда яхши биламиз. Чунки болалигимиз Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейинги оғир даврларга тўғри келди. Шунинг учун ҳам ҳар доим ёшларимизга тинчликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш кераклигини ҳаётий мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Дуоларимизда юртимиздаги тинчлик бардавом бўлишини, фарзандларимиз бахту саодатини сўраймиз.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» номли китобини бир неча марта ўқиб чиқдим. Ҳар гал бу асардан янги-янги хулосалар чиқараман. Тинчлик биз учун нон каби азизлигига яна бир бор иқрор бўламан.

**Нурулла БЕКЧАНОВ,**
**халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси,**
**биринчи даражали «Соғлом авлод» ва «Меҳнат шуҳрати» орденлари соҳиби.**




### ЯРИМ ЙИЛ КУТИШ ҚОИДАСИ

**бугунги ҳаётга мос эмас**

**Япония олий суди 1898 йилдан бери амалда қўлланиб келинаётган конституциявий қоидани бугунги кун ҳаётига мос эмас, деб топди. Ушбу қоидага кўра, турмуш ўртоғи билан ажрашган аёл кейинги никоҳга кириши учун камида ярим йил вақт ўтишини кутиши керак эди.**



Бу муддат эри билан ажрашган аёл шу ярим йил оралиғида фарзанд кўрса, оталикни белгилашда муаммолар туғилмаслиги учун, яъни аёлнинг ажрашган эри ота эканлигини белгилаш мақсадида жорий этилган.

«Asian Review» нашри хабар беришича, бугунги кунда бундай муддат белгиланишига ҳожат йўқ. Негаки, ДНК-тест услуби бу борадаги баҳс-мунозараларга тўлиқ аниқлик киритади.

### ТАНҲОЛИКДА

**209 кун**

**Британиялик Жон Биден Тинч океани орқали Шимолий Америкадан Австралиягача бўлган масофани 6 метрлик қайиқда якка-ёлғиз босиб ўтиб, дунё рекордини ўрнатди. Бунинг учун у 209 кун сарфлади.**

«The Guardian» нашри хабар қилишича, у саёҳатини 2015 йилнинг июнида Сан-Франциcкодан бошлаган. Октябрь охиригача маррага етишни ният қилган эди, аммо океанда доимий кузатиладиган ноқулай об-ҳаво уни анча машаққатга қўйди — 27 декабрда Австралиянинг Квинсленд штатининг Кэрнс шаҳрига етиб келди.

53 ёшли бу сайёҳ кунига 15 соатлаб сузди ва 209 кунда 6,1 минг денгиз милига тенг масофани (11,2 минг километр) босиб ўтди.

Бундай якка-ёлғиз ҳолда океанни сузиб ўтишлар аввал ҳам қайд қилинган. Жумладан, британиялик Жим Шехдар 2001 йили Жанубий Америкадан Австралияга Тинч океани орқали 274 кунда етиб борган. Россиялик Федор Конюхов эса 2014 йилда Чилининг Конкон шаҳридан Австралиянинг Мулулаба шаҳригача бўлган масофани Тинч океани орқали эшкакли қайиқда бир ўзи босиб ўтган. Бунинг учун у 159 кун вақт сарфлаган.

## РЕКЛАМА

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

## Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги Республика тез тиббий ёрдам кўрсатиш илмий марказининг Сурхондарё филиалини реконструкция қилиш (2-босқич).

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2994,639 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2495,532 миллион сўм, қурилиш муддати — 300 кун.

Сурхондарё вилояти, Термиз туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (2-босқич).

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1446,762 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1205,635 миллион сўм, қурилиш муддати — 300 кун.

Лот 8-1. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги касб-ҳунар коллежи биносини мукаммал таъмирлаш.

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 886,101 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 738,4178 миллион сўм, қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 8-2. Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги 16-сон мактабни 240 ўринли ўқув биноси ва 9 х18 м ўлчамдаги спортзал қурилиши билан реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1027,439 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 856,199 миллион сўм, қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 8-3. Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманидаги 45-сон мактабни реконструкция қилиш (180 ўринли ўқув биносини қуриш билан).

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 598,865 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 481,562 миллион сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

Лот 8-4. Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманидаги 14-сон мактаб филиалини реконструкция қилиш (120 ўринли ўқув биносини қуриш билан).

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 490,148 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 408,456 миллион сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

Лот 8-5. Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманидаги 58-сон мактаб филиалини реконструкция қилиш (120 ўринли ўқув биносини қуриш билан).

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 608,351 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 506,959 миллион сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

Лот 9-1. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги вилоят тери-таносил касалликлари диспансерини реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 971,584 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 809,653 миллион сўм, қурилиш муддати — 270 кун.

Лот 9-2. Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 47-сон мактабни 140 ўринли ўқув биноси ва 9 х18 м ўлчамдаги спортзал қурилиши билан реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1052,328 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 876,940 миллион сўм, қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 9-3. Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги 40-сон мактабни реконструкция қилиш (140 ўринли ўқув биноси қуриш билан).

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 467,556 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 389,630 миллион сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. **Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларида фақат «Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарорларига асосан, мукаммал таъмирланадиган ҳамда қурилиш қиймати 500 миллион сўмгача бўлган янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қурилиш қиймати 500 миллион сўмдан юқори бўлган янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг танлов савдоларида офертала баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда устунлик кичик бизнес субъектларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даварxитектқурилиш» қўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-А уй. Телефон/факс: (376) 223-44-73, 223-44-78 .**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объект қийматига қараб — 70 000 сўмдан 120 000 сўмгача.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-А уй**да ўтказилади.

## ЭЪЛОН

### «Universal Realtor» масъулияти чекланган жамияти

«O'zbekiston ovozi» газетасининг 2015 йил 5 декабрь 143(32.046)-сонида берилган эълондаги АТ «Халқ банки» Мирзо Улуғбек филиалига тегишли Тошкент шаҳар, Паркент кўчаси, 9-уйда жойлашган «Турон» кассаси (9 қаватли бинонинг 1-қават бир қисми) биноси АТ «Халқ банки» Мирзо Улуғбек филиалининг 2015 йил 25 декабрдаги 09/574-сон алоқа хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

*Хизматлар лицензияланган.*

«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Дилфуза Шариповага турмуш ўртоғи **Фахриддин ШАРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

2016 ЙИЛДА ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИДА 70 МИНГ ТОННА МИС ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН МЕТАЛЛ ЭРИТИШ КОРХОНАСИ БАРПО ЭТИЛАДИ.

# ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

■ Шаҳарчага кўм-кўк майсазорлар, арча ва қарағай дарахтлар ўзгача кўрк ва шукуҳ бахш этиб турибди. «Болалар шаҳарчаси» ёзуви ўрнатилган, шарқона услубда қурилган маҳобатли дарвозадан кирибоқ, гўё ўзга бир дунёга тушиб қолгандай бўласиз.

## БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИ

### Бу масканга одамлар «Меҳр кошонаси» деб таъриф бермоқда

**■ Хива туманида салкам бир асрки, фаолият юритиб келаётган даргоҳ бир пайтлар оддий халқ тили билан «детдом» деб аталарди... Собиқ тузум даврида ота-онасиз қолган болалар яшаган маскан шу атамага мос эди. «Ранг кўр, ҳол сўр» деганларидек, бу даргоҳнинг шароити, таъминоти ўз номига яраша эди. Фақат истиқлолдан сўнг қаровсиз қолган болалар тарбияланаётган бундай масканларга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилди.**

Меҳрибонлик уйи номини олган даргоҳ ҳақиқатда кўнгли ярим болажонларга меҳр улашувчи, кам-кўстини бутловчи, уларни бошқа тенгқурлари каби ҳеч нарсадан қийналмай, кўнглига озор етказмай тарбиялаб, вояга етказадиган, ҳаётга йўлланма берадиган масканга айлантирилди.

Меҳрибонлик уйи директори Вера Пакка «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганининг ўзиёқ давлатимизнинг бу даргоҳга алоҳида эътиборининг ёрқин мисолидир.

Аммо Меҳрибонлик уйи қанчалар шинам, барча шарт-шароитларга эга, энг сўнгги замонавий мебель ва жиҳозлар билан таъминланган, бўлса-да... Барибир кўнгилнинг бир жойида кемтик бор эди.

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллиги тантаналари арафасида Хива шаҳрида Меҳрибонлик уйи тарих мулкига айланди. Унинг ўрнига Болалар шаҳарчаси ташкил этилди.

Қадим ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрига кириб бораверишда, йўлнинг чап томонида бири-биридан чиройли икки қаватли уйлар кўзга ташланади. Бинолар ёнида спорт зали, майдончалари, бассейн, ахборот-ресурс марказі... бутун бир шаҳарчани ташкил этади...

Шаҳарчага кўм-кўк майсазорлар, арча ва қарағай дарахтлар ўзгача кўрк ва шукуҳ бахш этиб турибди. «Болалар шаҳарчаси» ёзуви ўрнатилган, шарқона услубда қурилган маҳобатли дарвозадан кирибоқ, гўё ўзга бир дунёга тушиб қолгандай бўласиз.

Қурувчилар томонидан бунёд этилган ўн саккизта икки қаватли уйнинг ҳар бирида олти нафардан саккиз нафаргача бола истиқомат қилади. Барча хоналарга чўғдек гиламлар тўшалган. Кенг, ёруғ ётоқхона замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Дам олиш хонасида болажонлар китоб ўқишлари, дарс қилишлари учун ҳамма шароит тахт. Энг замонавий русумдаги компьютер, телевизор, радио улар ихтиёрида. Ошхона ва ювиниш хоналари ҳам ҳавасингизни келтиради.

Шу ўринда бир гап: эндиликда ҳар бир уйда болажонлар танлов асосида ишга қабул қилинган тарбиячи она ва тарбиячи хола билан бирга истиқомат қилишади. Улар кеча-ю кундуз болажонлар ёнида. Болалар билан бирга бозор-дўконларга бориб, озиқ-овқат харид қилишади. Таомлар ҳам болалар истагига кўра, ҳар бир уйнинг ўзидаги ошхонада тайёрланади. Бу жараёнларда болажонлар ҳам иштирок этади, яъни улар ўзларини оила муҳитида ҳис этишади.





Шоназар КАРРИЕВ олган суратлар.

Бундан ташқари, ҳар икки турар-жойда яшаётган болажонлар ҳолидан доимо хабар олиб туриши учун бир нафардан тарбиячи, яъни хола тайинланган.

Болалар шаҳарчасида ўндан ортиқ тўгарак ташкил этилган. Болалар ўзлари қизиққан фан бўйича билимини ошириши, касб-ҳунар сирларини ўрганиши мумкин. Шаҳарчада истиқомат қилаётган 110 нафардан зиёд болажоннинг Хива шаҳридаги иккита мактабга ўз вақтида бориб, сабоқ олиши учун алоҳида автобус ажратилган. Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган болалар учун ҳам қулайликлар яратилган.

...Янги шаҳарчадаги барча шарт-шароитлар борасидаги тасаввурларимизни **Болалар шаҳарчаси директори, ЎзХДП фаоли Вера Пак** янада тўлдиради: Меҳрибонлик уйига ўттиз йил раҳбарлик қилдим. Эндиликда бу атама ўз аҳамиятини йўқотди. Бугун эса, унинг ўрнида замонавий Болалар шаҳарчаси барпо этилди.

— Болалар шаҳарчасида яшаётган болалар ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди **вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, партиямиз фаоли Кўпал Тангрибердиев.** — Шаҳарчада алоҳида тиббиёт хонаси бор. Бу ерда малакали шифокор хизмат қилади ва болалар соғлиғини ҳар доим назорат қилиб боради. Болалар қатор спорт турлари билан мунтазам шуғулланишлари, бассейнда чўмилишлари мумкин.

...Хивадаги 20-сон Меҳрибонлик уйи атамаси тарих мулкига айланди, дедик. Ушбу даргоҳ тарбияланувчиларига туҳфа қилинган янги маскан — Болалар шаҳарчаси деб юритилса-да, бу даргоҳни оддий одамлар «Меҳр кошонаси» деб номлашибди. **Хаёлга келмаган, тушга кирмаган бундай шаҳарчанинг Соғлом она ва бола йили арафасида болажонларга туҳфа этилиши ҳам қадим қадриятларимизни намоён қилиб турибди.**

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

### ХАБАРЛАР

**Тадбир Олот туманидаги 20-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби янги биносининг фойдаланишга топширилиш тантанаси доирасида ўтказилди. Бухоро вилояти ҳокими Муҳиддин Эсанов спортчи қизларга Президент совғаларини топширди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги расмий сайти хабар бермоқда.**

## Бухоролик спортчи қизларга

### Президент совғалари топширилди

Лойиҳа-смета қиймати 2 миллиард 249 миллион сўм бўлган мазкур иншоот яхлит мажмуадан иборат бўлиб, унда спортнинг кураш, дзюдо, стол тенниси, мини футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, бокс, муайтай турлари билан шуғулланиш имконияти бор. Шунингдек, 480 ўринли стадион, енгил атлетика майдончалари ҳам мавжуд.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали раҳбари Ўткир Нажмиддиновнинг таъкидлашича, бугунги кунда вилоятда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 56 фоизидан зиёдроғи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар орасида қизлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Янги йил арафасида уларнинг энг фаолларидан 7488 нафарига Президент совғалари топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги беш йилда спорт билан шуғулланиб, мусобақаларда юқори натижаларга эришаётган 50 минг нафар қиз ана шундай эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлди.

## «Euronews» телеканалида

### Амир Темур мақбараси ҳақида репортаж намойиш этилди

**«Euronews» телеканали ижодкорлари 2016 йилда яна бир янги лойиҳага қўл урди. Январь ойидан Самарқанд шаҳрига бағишланган «Ўзбекистондан откриткалар» туркумидаги репортажлар намойишини бошлади. Бу ҳақда телеканалнинг расмий сайтида маълумот берилган.**

Мазкур репортажнинг илк сонида Амир Темур мақбараси ҳақида ҳикоя қилинди.

Эслатиб ўтамиз, телеканалда 2015 йил давомида ҳар душанба куни Ўзбекистонга бағишланган ойлик «Uzbekistan Life» репортажлар туркуми намойиш этилган бўлиб, унда юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳат қилинган эди.

---

### ЯНГИ ЙИЛ АЖОЙИБОТЛАРИ

## НОЁБ ҚОРБОБО

**Юртимизда нишонланаётган бу йилги Янги йил об-ҳавоси баҳор фаслини эслатяпти. Гарчанд пурвиқор тоғлар қиш зийнати — қор билан қопланган бўлса-да, водий-ю воҳаларда ҳаво ҳарорати илиқ. Шунга қарамай Денов туманининг «Чўнтош» маҳалла аҳли Янги йилни қорсиз ўтказмасликка қарор қилди. Улар ҳудуддан 20 чақирим наридаги Сина тоғидан махсус идишларда қор олиб келиб, безатилган арча ёнида Қорбобо ясашди.**

— Йилни қандай кутиб олсанг, шундай ўтади, деган гап бор, — дейди **маҳалла фаоли Яшнар Абдураҳмонов.** — Қорбобо аслида рамзий маънони англатса-да, қишқишлигини қилсин, деган маънода янги йилни ҳақиқий қорбобо билан ўтказяпмиз. Бундан маҳалламиз аҳли, айниқса, болажонлар жуда хурсанд.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---


### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2016 йилда янгидан қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Окдарё тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (250 қатновга мўлжалланган поликлиника ва 30 ўринли юқумли касалликлар бўлими қурилиши) | 2 674 355 000 сўм | 3 209 226 000 сўм | 10 ой |
| 2. | Каттақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (250 қатновга мўлжалланган поликлиника ва 30 ўринли юқумли касалликлар бўлими қурилиши) | 2 878 155 000 сўм | 3 453 786 000 сўм | 10 ой |
| 3. | Нарпай туманидаги 130 ўринли туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (70 ўринли терапия бўлими, 60 ўринли болалар бўлими қурилиши ва бошқа биноларни фойдаланишга топшириш) | 2 650 405 833 сўм | 3 180 487 000 сўм | 10 ой |
| 4. | Ургут туманидаги 220 ўринли туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш | 3 319 327 417 сўм | 3 983 192 900 сўм | 10 ой |
| 5. | Самарқанд шаҳридаги 300 қатновли 2-сон Оилавий поликлиника биносини реконструкция қилиш | 1 997 686 667 сўм | 2 397 224 000 сўм | 10 ой |
| 6. | Ургут туманидаги вилоят руҳий касалликлар шифохонасини капитал таъмирлаш (200 ўринли даволаш бўлимини капитал таъмирлаш ва бошқа бинолари) | 1 835 122 500 сўм | 2 202 147 000 сўм | 10 ой |
| 7. | Самарқанд шаҳридаги 250 қатновли 6-сон Оилавий поликлиника биносини реконструкция қилиш | 1 868 297 500 сўм | 2 241 957 000 сўм | 9 ой |
| | ЛОТ 18-2: | | | |
| Лот-1 | Самарқанд шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини реконструкция қилиш (бошқа бинолари) | 913 952 000 сўм | 1 096 742 400 сўм | 10 ой |
| Лот-2 | Самарқанд шаҳридаги 50 қатновга мўжалланган руҳий асаб касалликлари диспансерининг биносини реконструкция қилиш | 320 165 950 сўм | 384 199 140 сўм | 9 ой |

**Қурилиш ишлари бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (0-366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Ургут туманидаги вилоят руҳий касалликлар шифохонасини капитал таъмирлаш ва Лот 18-2 (Лот-2) объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати - 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10:00 да ўтказилади.





MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
17356 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi - 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.20
Topshirilgan vaqti — 23.30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 6